

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТОЖИБОЕВА ХИЛОЛАХОН МАХМУТОВНА

**ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА
“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Тожибоева Хилолахон Махмутовна

Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегиялари..... 3

Тожибоева Хилолахон Махмутовна

Педагогические стратегии формирования у учащихся подросткового возраста иммунитета против «массовой культуры» на основе гендерного подхода..... 33

Tojiboeva Khilolaxon Mahmutovna

Pedagogical strategies for the formation of adolescent students' immunity against “mass culture” based on a gender approach..... 62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 66

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТОЖИБОЕВА ХИЛОЛАХОН МАХМУТОВНА

**ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА
“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Ped2-44 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джурбаев Рисбай Хайдарович
педагогика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Хакимова Муҳаббат Файзиевна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Маъмуров Баходир Бахтуллоевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил " 2 " апрел соат 8:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1485 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 254-92-02; факс: (+99871) 215-54-20.

Диссертация автореферати 2022 йил " 19 " май кuni тарқатилди.
2022 йил " 19 " май да 74 -рақамли реестр баённомаси.



Б.С.Абдуллаева

Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш
райси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исмаилов

Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш
копидаги илмий семинар райси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда гендер ёндашув асосида ўсмирларда маданий иммунитетни шакллантириш, улар ўртасида жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш ва ижтимоий меъёрлардан оғишнинг олдини олиш, миллий ва маънавий қадриятларни эгаллаш ҳамда муваффақиятли ижтимоийлашувни таъминлашнинг креатив моделлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон форумида қабул қилинган 2030 йилга қадар ривожланиш декларациясида “ўсмир ёшдаги ўқувчиларда ўзларининг гендер ролларини фарқлаш ва гендер ролларни ўзлаштириш кўникмасини жадал ривожлантириш, маданий иммунитетни таркиб топтириш”¹ қайд этилган бўлиб, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш, ўқувчиларнинг маданий иммунитетини шакллантиришда ҳаётий вазиятларни имитациялаш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, гендер ижтимоийлашувни таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш, психологлар ва ота-оналар ҳамкорликда ўсмирларда маданий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни тизимли тарзда ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш, ўсмирларнинг ижобий ҳаракат траекторияларини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга ўсмир ёшдаги ўқувчиларга шахсга йўналтирилган таълим, индивидуал ва дифференциал ёндашувлар асосида уларнинг маданий иммунитетларини шакллантириш, синф ва синфдан ташқари ташкил этиладиган педагогик жараёнларни ислоҳ қилиш, бу борада педагогларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда умумий ўрта таълим муассасаларида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни таркиб топтиришда аждодларимиз томонидан яратилган педагогик меросдан самарали фойдаланиш, гендер ёндашув асосида шахс имкониятларини интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъерий асослари яратилмоқда. “...Жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш...”² устувор вазифалар этиб белгиланди. Натижада гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини ташхислаш ва педагогик стратегияларини аниқлаш механизмларини яратишга кенг имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон

¹ https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233137_rus

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилиниш сари. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 70-71.

“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Гендер ёндашув асосида ўсмирларда маданий иммунитетни таркиб топтиришга оид тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасалари, жумладан, Princeton university (АҚШ), Association for Educational Communications and Technology – AECT (АҚШ), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn (Германия), CENTRES OF GENDER EXCELLENCE (Швейцария); Seoul National University, Puchong University, Yonsei University, Sungkyunkwan University, Pohang University of Science and Technology, Pusan National University, Chonbuk National University (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия)да олиб борилмоқда.

“Оммавий маданият”нинг таъсирчан механизмларини аниқлаш устида жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: маънавий-ахлоқий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллашни оптималлаштирадиган педагогик-психологик тренинглар тизими компетентлик омилларини такомиллаштириш асосида яратилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); шахсда “оммавий маданият”га нисбатан объектив нуқтаи назарни таркиб топтириш дидактик ички ва ташқи ресурсларни аниқлаш асосида яратилган (Belfield pedagogical university); ўқувчи-ёшларда ижтимоий-ҳиссий маданиятни таркиб топтиришнинг педагогик таълим мазмуни стратегик лойиҳалаш асосида ишлаб чиқилган (Pohang University of Science and Technology – Жанубий Корея); “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари ахборотларни интерпретация қилиш асосида ишлаб чиқилган (Chonbuk National University –

¹ Мазкур қисм <https://www.princeton.edu/academics/areas-of-study/humanities>; https://aect.org/educational_media_and_technology.php; <https://www.mastersportal.com/studies/226751/gender-studies.html>; <https://www.bimm.edu.uz/> ва бошқа манбаларга асосланиб ёзилди.

Жанубий Корея); “оммавий маданият”нинг шахс маънавиятини шаклланишидаги таъсири нейролингвистик дастурлаштиришни диагностика мониторинги асосида аниқланган (Мияги педагогика университети – Япония); “оммавий маданият”нинг мафкура ва иқтисодиётдаги таъсир механизмлари контекстли ёндашувдан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган (Россия таълим академияси).

Жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларида гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегиялари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълим тизимида “оммавий маданият”нинг ижтимоий-педагогик механизмларини ташхислаш ва коррекциялаш; “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларига қарши курашиш; “оммавий маданият”нинг мафкура ва иқтисодиётга таъсир механизмларини аниқлаш; “оммавий маданият”ни шахс онгини бошқариш, унинг қизиқишлари ва манфаатларини манипуляция қилишнинг янги тизими сифатида талқин қилиш жараёни моделлаштириш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда шахс умуммаданияти, ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш М.Л.Абдужабборова, М.Абдуллаева, Ш.А.Акрамова, Р.Х.Джураев, О.Жамолдинова, З.К.Исмоилова, Н.Д.Қосимова, У.А.Қосимов, З.М.Қурбонниёзова, М.Қуроно¹, У.И.Махкамов, Р.М.Медетова, Н.Ш.Муллабоева, О.Мусурмонова, Э.М.Мухторов, Н.Ортиқов, Д.Н.Рўзиева, З.Т.Салиева, Р.Г.Сафарова, М.М.Тилавова, Н.И.Халилова, Ш.Т.Халилова, Б.Х.Ходжаев, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Ш.Шермухаммадовлар² томонидан тадқиқ этилган.

¹ Абдужабборова М.Л. Ўсмирлар орасида олиб бориладиган мафкуравий профилактика ишларининг ижтимоий-педагогик асослари (Маҳалла фуқаролари йиғинларининг диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти мисолида). Пед. фан.номз. дисс –Т.2007.- 265 б.; Абдуллаева М. Ўсмирларни оилавий ҳаётга маънавий тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик шарт шароитлари («Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитиш мисолида): Пед... фан... номз.... дис.... – Тошкент: “Оила” илмий-амалий маркази, 2004. – 132 б.; Акрамова Ш.А. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш: пед.ф.н. дисс. Тошкент. 2012 Джураев Р.Х. ва б. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари // Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2017 йил, 164 бет.; Жамолдинова О. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан. док. – Т., 2015. – 83 б.; Исмоилова З.К. Маънавий–ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари («Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» асари асосида): Педагогика фанлари докт... дисс. автореферати. – Т.: 2006. – 42 б.; Қосимова Н.Д. Ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти: Пед.ф.н. ... дис.автореф: - Т.: ТДПУ, 2010. – 26 б.; Қосимов У.А. Комил инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Псих.ф.н. ...дис.автореф: - Т.: ТДПУ, 2004. – 24 б.; Қурбонниёзова З.М. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2000 – 286 б.; Қуроно М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1998. – 316 б.;

² Махкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998. – 286 б.; Медетова Р.М. Ўқувчиларда миллий анъаналар асосида бағрикенгликни шакллантириш: пед.фан.док. ... дисс. – Т., 2020. – 261 б.; Муллабоева Н.Ш. Ўсмирларда ёлғизлик ҳисси шаклланишининг психопрофилактикаси ва психокоррекцияси: психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси \\\\ Тошкент. 2019.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т.: 1993. – 364 б.; Мухторов Э.М. Ўсмирлар гуруҳида ўзини психологик муҳофаза қилишнинг ўзига хос

Шахс маданиятини юксалтириш, оммавий маданият, гендер ижтимоийлашув масалалари Н.Андреева, В.А.Бачинин, Ш.Берн, О.С.Богданова, Е.А.Гапова, Е.С.Гриценко, З.А.Зорина, Е.А.Здравомыслова, Е.П.Ильин, А.В.Кирилина, А.Клецин, И.С.Кон, В.Т.Кондрашенко, Р.Коннелл, И.В.Костикова, А.В.Кукаркин, Д.Лорбер, Д.В.Ольшанский, Г.Г.Соловьева, К.Уэстлар¹ томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шахсда гендер маданият, маданий иммунитетни таркиб топтириш А.Аmutio, Anyon Yolanda, L.Breeman, van Lier, Э.Гидденс, Л.Гонзалес, Э.Гоффман, А.Т.Соллис, Д.Кэмпбелл, Р.Мюллер, Л.Мозенмайр, L.A.Nabors, R.Sears, A.Smit, F.Tendbruk, K.Franco, В.Франкл, R.O.Ren'e²лар томонидан тадқиқ этилган.

хусусиятлари: психология ф.н.дисс. Тошкент. 2009.; Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадрлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед...фан...докт... дисс. – Тошкент: УзПФИТИ, 2000. – 305 б.; Рўзиева Д.Н. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Пед. фан. докт. дисс. –Т. 2007. –254 б.; Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Фан доктори ... дисс. – Т., 2017. – 243 б.; Сафарова Р.Г. ва б. Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик механизмлари // Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2018 йил, 192 бет.; Тилавова М.М. Ўқувчиларда гендер тенглик ва фарқлар асосида умуммехнат кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2008. – 130 б.; Халилова Н.И. Ўсмирлик даврида ўзини-ўзи назорат қилиш шаклланишининг психологик хусусиятлари: психология фанл.номзоди. дисс. Тошкент. 2010.; Халилова Ш.Т. Ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари: Пед.ф.н. ...дис.автореф. Т.: 2001. – 22 б.; Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2016. – 314 б.; Шермухаммадов Б.Ш. Узлуксиз таълим тизими субъектлари орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари: Пед.ф.н. ...дис. Т.: 2013. – 151 б.

¹ Андреева Н.И. Формирование гендерной культуры в современном обществе: философско-культурологический анализ: автореферат дис. ... доктора философских наук: 09.00.13 / Ростов-на-Дону, 2005. - 43 с.; Бачинин В.А. Духовная культура личности. – М., 1996. – 218 с.; Берн Ш. Гендерная психология. – СПб: Прайм-Еврознак Нева, 2002. – 318с.; Богданова О.С., Черенкова С.В. Нравственное воспитание старшеклассников. – М.: Просвещение, 1998. – 206 с.; Гапова Е.А. Антология гендерной теории / Е.А. Гапова. – М.: Русская панорама, 2002. – 344 с.; Гриценко Е.С. Язык. Гендер. Дискурс. Н. Новгород, 2005. 267с.; Зорина З.А., Полетаева И.И., Резникова Ж.И. Основы этологии и генетики поведения. М.: МГУ, 1999. – 288 с.; Ильин Е.П. Дифференциальная психофизиология мужчины и женщины / Е.П. Ильин. – СПб.: Питер, 2003. – 366 с.; Коннелл Р. Гендер и власть: общество, личность и гендерная политика / Р. Коннелл. – М.: Новое русское обозрение, 2015. – 430 с.; Кондрашенко В.Т. Девиантное поведение у подростков. <https://knigogid.ru/books/20309-deviantnoe-povedenie-u-podrostkov> Костикова И.В. Введение в гендерные исследования: учеб. пособие для студентов вузов / И.В. Костикова и др. - М.: Аспект Пресс, 2005. - 235 с.; Кузнецова Е.А. Образ женщины как гендерный стереотип в британском художественном дискурсе: дис. ... канд. филол. наук: 10.02.19, 10.02.04 / Кузнецова Евгения Анатольевна. – Ростов-на-Дону, 2012. – 148 с.; Уэст К. Создание гендера // Хрестоматия феминистских текстов / К. Уэст, Д. Зиммерман; под ред. Е. Здравомысловой и А. Темкиной. – СПб. : Изд-во «Дмитрий Буланин», 2000. – С. 193–219.

² Anyon, Yolanda; Nicotera, Nicole; Veeh, Christopher A. Contextual Influences on the Implementation of a Schoolwide Intervention to Promote Students' Social, Emotional, and Academic Learning // CHILDREN & SCHOOLS Том: 38 Выпуск: 2 Стр.: 81-88 Опубликовано: APR 2016 <http://webofscience.com>; Breeman, Linda D.; van Lier, Pol A. C.; Wubbels, Theo; и др. Effects of the Good Behavior Game on the Behavioral, Emotional, and Social Problems of Children With Psychiatric Disorders in Special Education Settings // JOURNAL OF POSITIVE BEHAVIOR INTERVENTIONS – USA. JUL 2016. Том: 18. Выпуск: 3. Стр.: 156-167. <http://webofscience.com>; Clement C., Kristeva J. Le féminin et le sacré. Paris: Albin-Michel, 2015. Collins, Tai A.; Hawkins, Renee O.; Nabors, Laura A. Introduction to the Special Issue: Interventions to Improve Children's Social and Emotional Functioning at School // BEHAVIOR MODIFICATION Том:40 Выпуск: 4 Специальный выпуск: SI Стр.:487-492 Опубликовано: JUL 2016 <http://webofscience.com>; Franco, Clemente; Amutio, Alberto; Lopez-Gonzalez, Luis; и др. Effect of a Mindfulness Training Program on the Impulsivity and Aggression Levels of Adolescents with Behavioral Problems in the Classroom // FRONTIERS IN PSYCHOLOGY. – SWITZERLAND SEP 22 2016. Том: 7. <http://webofscience.com>; Gender mainstreaming of employment policies – A comparative review of 30 European countries. Luxembourg: Office for Official Publications of the European Communities, 2008 – p. 44.; Hofstede G. Masculinity and Femininity: The

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ФЗ-2016-0909111822 – “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” номли фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш стратегияларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг фалсафий, психологик ва педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

“оммавий маданият”нинг ривожланиш тенденциялари ва унинг ўсмир ёшдаги ўқувчилар хулқ-атвориغا кўрсатадиган икки ёқлама ижобий ва салбий таъсирини аниқлаш;

ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига “оммавий маданият”ни сингдирувчи воситалар, гендер маданиятнинг замонавий шакллари ва вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омилларни такомиллаштириш;

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш моделини такомиллаштириш;

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш;

ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегияларини самарадорлик даражаси мониторинги натижаларини илмий-педагогик жиҳатдан аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегияларни аниқлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 1267 нафар ўқувчилари, 72 нафар ўқитувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегиясини аниқлашнинг методлари, шакллари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий, методик, педагогик адабиётлар, манбалар, ДТС, ўқув режа, фан дастурлари,

taboo dimension of national cultures, 1998. SAGE Publications Inc. 238 p.; Milner L.M., Collins J.M. Sex-role portrayals and the gender of nations // Journal of advertising, vol. 29, №1. CTC Press, 2000. – P. 67-79; Spilt, Jantine L.; Vervoort, Eleonora; Koenen, Anne-Katrien; и др. The socio-behavioral development of children with symptoms of attachment disorder: An observational study of teacher sensitivity in special education // RESEARCH IN DEVELOPMENTAL DISABILITIES Том: 56 Стр.: 71-82 Опубликовано: SEP 2016 <http://webofscience.com>.

дарсликларни, миллий ва хорижий тажрибаларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, анкета, тажриба-синов, натижаларни математик статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитет педагогик жараён субъектлари амал қиладиган ахлоқий намуна кўрсатиш, танлаган идеалига мувофиқ ўз ҳаётининг фаолияти йўналишини белгилаш ҳамда тарбиялаш принципларининг дидактик имкониятларини геймификацияга рефлексив мослаштириш орқали такомиллаштирилган;

дарсдан ташқари педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг танлов имкониятлари “оммавий маданият” билан миллий маданиятни ўзаро фарқлаш кўникмаси ҳамда мустақил ишларнинг замонавий шакллари бири-бирига зид икки ҳолатдан бирини танлашга қаратилган Dilemma технологияларини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

ўсмир ёшдаги ўқувчининг хулқ-атворини “Позиция – асос – мисол – натижа”, “Тушунчалар ассоциацияси”, “Яхши – ёмон” каби педагогик стратегиялар гендер фарқлар, роллар, кўникмалар, маданият шакллари ўғил ва қиз болалар маданий иммунитетининг хусусиятлари тарбиявий ишлар жараёнига миллий ўзликни англаш тушунчасини киритиш орқали такомиллаштирилган;

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитет билимларни ўзлаштириш даражаси, касбий аҳамиятли сифатларни ва таълим жараёнининг рақамли авлодини миллий ва умуминсоний кадрларга мослаштириш орқали такомиллаштирилган;

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш модели ўсмирлик даврида ўзини-ўзи назорат қилиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳамда миллий ғоя тарғиботини ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини аниқлаштириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“оммавий маданият”нинг ривожланиш тенденциялари асосида унинг ўсмир ёшдаги ўқувчилар хулқ-атворида кўрсатадиган икки ёқлама (ижобий ва салбий) таъсири аниқланган;

ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига “оммавий маданият”ни сингдирувчи воситалар, гендер маданиятнинг замонавий шакллари вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омиллар аниқланган;

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантириш методлари ва стратегиялари, уларни қўллаш механизмлари такомиллаштирилган;

“Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегиялари”, “Ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик механизмлари” номли монографиялар нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: назарий ёндашувлар, методларнинг республикамиз ва хорижда яратилган педагогикага оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибасига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш стратегиялари, уни амалиётга татбиқ этишнинг қулай шарт-шароитлари, механизмлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари (синф раҳбарлари)нинг гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, педагог-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати синф соатларини гендер ёндашув асосида ташкил этиш, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш имконини берадиган илғор тажрибалар, ёндашувлар, стратегиялар ва инновацион таъсир методлари билан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитет педагогик жараён субъектлари (педагог, ота-она, тенгдош) амал қиладиган ахлоқий намуна кўрсатиш, танлаган идеалига мувофиқ ўз ҳаётининг фаолияти йўналишини белгилашга қаратилган тизимли фаолият ва тарбиялаш принципларининг дидактик имкониятларини ўйин (геймификация)дан фойдаланиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-20170930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 12 февралдаги 02-07-392/04-сон далолатномаси). Натижада, гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг фалсафий, психологик ва педагогик имкониятларини таҳлил этиш имкони оширилган;

дарсдан ташқари педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг танлов имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган Dilemma (бири-бирига зид икки ҳолатдан бирини танлаш)ларни қўллаш, “оммавий маданият” билан миллий маданиятни ўзаро фарқлаш кўникмасини мустақил ишларнинг

замонавий шакллари ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштиришга оид хулосалар ФЗ-2016-0909111822 – “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 12 февралдаги 02-07-392/04-сон далолатномаси). Натижада, ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига “оммавий маданият”ни сингдирувчи воситалар, гендер маданиятнинг замонавий шакллари вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омилларни такомиллаштиришга эришилган;

ўсмир ёшдаги ўқувчининг хулқ-атворини “Позиция – асос – мисол – натижа”, “Тушунчалар ассоциацияси”, “Яхши – ёмон” каби педагогик стратегиялар гендер фарқлар, роллар, маданият шакллари, кўникмалар ўғил ва қиз болалар маданий иммунитетининг хусусиятларини аниқлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ФЗ-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 12 февралдаги 02-07-392/04-сон далолатномаси). Натижада, гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш кўлами кенгайтирилган;

педагогик фаолиятни кенгайтириш имкониятлари гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш борасидаги билимларни ўзлаштириш даражаси, касбий аҳамиятли сифатларни ва таълим жараёнини рақамли авлодга мослаштириш асосида такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ПЗ-20170930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 12 февралдаги 02-07-392/04-сон далолатномаси). Натижада, ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегияларини самарадорлик даражаси мониторинги натижаларини илмий-педагогик жиҳатдан аниқлашга эришилган;

гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш модели воқеа-ҳодисалар, тасодифий ҳодисаларни интерпретациялаш, баҳс-мунозаралар воситасида ўқувчиларнинг ўз дўстларини қандай топишлари ва улар эътиборини қозонишларига хизмат қиладиган стратегияларнинг таълимий-дидактик имкониятларини аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича фикрлар ФЗ-2016-0910202206 – “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 12 февралдаги 02-07-392/04-сон

далолатномаси). Натижада, гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини аниқлаш имкони оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5та халқаро ва 5та республика конференциясида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27та илмий иш, жумладан, 2та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 15та мақола, шундан, 9та республика, 6та хорижий журналда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 222 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

“Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш жараёнининг назарий асослари” деб номланган биринчи бобда гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш – ижтимоий педагогик муаммо сифатида асосланган, “оммавий маданият”нинг ривожланиш тенденциялари ва унинг ўсмир ёшдаги ўқувчилар хулқ-атворига кўрсатадиган салбий таъсири баён қилинган, ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига “оммавий маданият”ни сингдирувчи воситалар таҳлил қилинган.

Диссертацияда “оммавий маданият”нинг юзага келиш тарихи ва босқичлари таҳлил қилинган бўлиб, ушбу ҳодисанинг шаклланиши ва ривожланиши XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига тўғри келиши аниқланган. Бироқ, бу даврда мазкур атама ҳақида назарий фикрлаш етарли даражада шаклланмаган эди. АҚШ ва Европадаги юксак даражада интеллектуал фикрловчи шахслар инсон шаънини топтовчи танқид билан чекланиб, бунда асосан курол сифатида санъат асарлари, кинофильмлар, бадиий адабиёт намуналаридан фойдаланганлар. Америкалик маданиятшунослар Альфред Кребер ва Клайд Клакхон юз йилга яқин муддат ичида чоп этилган манбалардан маданиятга оид тавсифларни тўплаган. П.С.Гуревичнинг фикрича, маданият шахс турмуш тарзининг чуқурлиги ҳамда ўлчаб бўлмаслигини ифодаладиган ҳодисадир. Маданият ҳам инсоннинг бошқа фаолият турлари каби серкиррадир, деб ифодалаган.

Адабиётларда “оммавий маданият” – инсон ва жамият тараққиётини бузувчи, унинг тараққиётига халақит берувчи куч; модернизациянинг зарурий таркибий қисми, демократия, ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиётининг маданий таркибий қисми деб талқин этилади.

“Оммавий маданият” – маданиятнинг умумдунёвий даражада истеъмол қилинадиган элементлари йиғиндисидир. Уни тарғиб қилувчи воситалар саноат йўли билан катта ҳажмда ишлаб чиқарилади. “Оммавий маданият” кундалик ҳаёт маданияти бўлиб, жамиятда турли тармоқлар орқали тақдим этилиб, ўзида оммавий ахборот ва алоқа воситаларини мужассамлаштиради деб таъкидланади.

“Оммавий маданият”нинг салбий оқибатларига қарши курашиш мақсадида дастлаб, Буюк Британияда 1870-1890 йилларда аҳолининг умумий саводхонлигини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Бу тажриба кейинчалик бошқа Европа мамлакатларида ҳам кенг қўлланилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфида “оммавий маданият” тушунчасининг маданиятшунослик, ижтимоий-психологик ва педагогик моҳияти ёритиб берилган. Жумладан, “Педагогика” энциклопедиясида “Оммавий маданият (*арабча* оммавий – умумга, умумхалққа тегишли, оид) – 1. Халқ маданияти, урф-одатлари, маросимлари, санъати ва шу кабиларни ифодаловчи тушунча. 2. ОАВ ривожини билан боғлиқ ҳодиса. 3. Оммавий ишлаб чиқариш. 4. Маданиятнинг мураккаб, ҳаммавақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли” тарзида талқин этилади¹.

“Оммавий маданият”ни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолашга оид ёндашувлар мавжуд.

М.Қуронов “Гибрид олмадан гибрид одамгача ёхуд “оммавий маданият” ҳақида”ги рисола билан “оммавий маданият” ва унинг салбий таъсирларидан кенг жамоатчиликни огоҳ қилишга чақирган.

Шахсда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш стратегияларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш зарурати сақланиб қолинган.


Диссертацияда “оммавий маданият”га қарши иммунитет – интеллектнинг бегона маданиятдан ҳимояланишини таъминловчи педагогик механизми деб қаралган. Бугунги кунда “оммавий маданият”нинг ўсмир ёшдаги қизлар ва ўғил болалар онгига кўрсатадиган таъсири тобора кучайиб бормоқда. Бу таъсирни кучайтирувчи воситалар кўлами ҳам кенгаймоқда (1-расмга қarang).

Турли клиплар, кинофильмлар, ижтимоий сайтлар, ранг-баранг русумдаги кийим-кечаклар, рекламалар ўсмирлар онги ва хулқ-атворида у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки ушбу воситалар орқали четдан халқимизнинг

¹ Педагогика: энциклопедия / Жамоа. III жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 49.


турмуш тарзи ва маданиятига буткул ёт бўлган маънавий-ахлоқий иллатлар кириб келмоқда.

“Оммавий маданият” туб моҳиятига кўра, ўзбек халқи миллий маданиятининг кушандаси сифатида намоён бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг асл мақсади – оламни бир хил рангда кўришдан иборат. Шунинг учун ҳам, “оммавий маданият” турли воситалар ёрдамида айниқса ёшларни тубанлик, ахлоқсизликка ундайди (2-расмга қаранг).



1-расм. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига “оммавий маданият”ни сингдирувчи воситалар

Маълумки, таълим жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бирига хос бўлган миллий маданият ва хулқ-атвор шакллантирилади. Бундай ёндашув кўп асрлар давомида вужудга келган бўлиб, ўзининг ижобий жиҳатларини давр синовидан ўтказган.



2-расм. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига “оммавий маданият”ни ижобий ва салбий таъсири

Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда ўғил ва қиз болаларга хос бўлган гендер стереотиплар турли ўқув материаллари ёрдамида мустаҳкамланган. Бундан кўзланган асосий мақсад ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бирида ўзига хос ҳулқ-атвор кўринишларини шакллантиришдан иборат. Маданий бойликларни эгаллашда ўғил ва қиз болалар орасидаги ўзаро муносабатларни тизимлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бирида гендер маданиятни шакллантириш уларни муваффақиятли ижтимоийлаштириш ва жамият маданий ҳаётини барқарорлаштириш учун алоҳида аҳамиятга эга.

“Оммавий маданият” таҳдидлари кучаётган бугунги кунда қизларда ўғил болаларга хос, ўғил болаларда қизларга хос қадриятлар етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда гендер маданияти шахснинг ижтимоий мавқеини белгиламоқда. Бундай муносабатлар икки томонлама характер касб этмоқда. Ижтимоий мавқеидаги ўзгаришлар қадриятлар тизимига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Гендер муносабатлар доирасида ўсмир ёшдаги ўғил болалар киефасида куйидагилар намоён бўлмоқда: кўрелик, худбинлик, итоатсизлик, мустақил фикрига эга эмаслик, салбий ҳис-туйғуларга мойиллик, боқимандалик, дабдабага ўчлик, ижтимоий тармоқларга қарамлик, тажовузкор ўйинларни ўйнашга мойиллик, китоб ўқимаслик, дабдабавий ҳаёт ортидан қувиш, шоу-бизнес вакилларига тақлид қилиш кабилар.

Ҳар иккала гендер тип бир-биридан муаммоларнинг мавжудлик даражаси билан фарқланмоқда. Аксарият ҳолларда қизларнинг соч турмаклари, кийимлари, ўзини тутиши ўғил болаларга ўхшаб кетаётган бўлса, ўғил болалардаги айрим сифатлар, жумладан, мардлик, кўркмаслик, қатъиятлилик йўқолиб бормоқда. Ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар бирдай ижтимоий тармоқларга боғланиб қолмоқда. Улар ўзларининг асосий вазифаларини унутиб, “оммавий маданият” тарафдорлари илгари сураётган ғоялар, қарашларга асир бўлмоқда. Гендер хусусиятларни йўқотиш “оммавий маданият” тарафдорларининг асосий мақсадларидан бири бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўсмирлар қатламида тарғиботларни ўтказиш жуда осон ҳисобланади. Чунки уларнинг онгини юзаки жимжимадор нарсалар, қўшиқлар, модалар, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар, зўравонликни тарғиб қилувчи ўйинлар жуда тез банд қилади.

Инсонпарвар жамиятларнинг барчаси, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ёшларнинг менталитети, гендер хусусиятларини сақлаш ва ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Таълим муассасаларида амалга оширилаётган маданий-маърифий тадбирлар ёшларни диний ақидапарастлик, бузғунчи ғояларга берилиш, “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан огоҳ қилишга йўналтирилиши керак. Педагогик жамоанинг барча аъзолари ўғил ва қиз болаларда ўзига хос сифатларнинг шаклланишига ҳаракат қилишлари ва бунинг учун зарур педагогик чора-тадбирларни қўллашларига эришиш алоҳида амалий аҳамиятга эга. Чунки ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгини бузғунчи ғоялардан авайлаб асраш оила билан бир қаторда таълим муассасасининг ҳам асосий вазифаларидан биридир.

Диссертацияда гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларни “оммавий маданият” хуружларидан асрашга йўналтирилган педагогик жараён комплекс чора-тадбирлар, “оммавий маданият”нинг салбий таъсири, биринчи

навбатда, ўғил ва қиз болаларда ўзларининг жинсий мансубликларини англамаслик ҳиссини шакллантириши, таълим муассасаларида ўғил ва қиз болаларга нисбатан “оммавий маданият”нинг салбий таъсирини юмшатиш учун педагогик жамоа аъзолари ҳам алоҳида фаоллик кўрсатишлари ёритилган.

Гендер ёндашувга асосланган маънавий-ахлоқий тарбия болаларда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш мақсадида амалга оширилади. Бундай компетенциялар доирасига: инсонлар орасидаги дўстона муносабатлар; бурч ва ўз хулқ-атвори учун масъулият ҳиссига эга бўлиш; меҳнат қилишга эҳтиёж ва меҳнатсеварлик; табиатга эҳтиёткорона муносабат; уйғун тарзда шаклланган оилавий ҳаётга интилиш; ўзлигини англаш ва ўз-ўзини тарбиялаш кўникмасига эга бўлиш.

Ўсмир ёшдаги болалар учун кўпинча инкор этиш, жамият томонидан белгиланган қоидаларни рад этиш руҳи хос бўлади. Ўсмирлар ажралиб туришга, бирор-бир ўзлариники бўлган, такрорланмасликни ва кўпинча мавжуд меъёрларга қарама-қарши бўлганни яратишга интиладилар. Бу, айниқса, “оммавий маданият”га қарши иммунитетни таркиб топтиришда яққол ифодаланади.


Диссертацияда ўсмир ёшдаги болаларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда маданий дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида атрофдагиларга дўстона, ўзаро хурмат ва ишончга асосланган муносабатларни шакллантириш ҳам педагоглар ва ота-оналарнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланиши таъкидланган ҳамда жамият ва инсон ҳаётида билим олиш, ўқиш, меҳнатсеварлик ва ижоднинг катта аҳамиятга эга эканлигини билиш; ижодий фаолиятнинг муҳим тури сифатида таълимга нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш; инсон ва жамият ҳаётида илм-фан, ишлаб чиқаришнинг тутган ўрни ҳақида маълумотга эга бўлиш; ўзи ва бошқаларнинг меҳнати, жамоа мулкига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишининг таълимий дидактик имкониятлари аниқлаштирилган.

Диссертациянинг **“Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари ёритилган, гендер маданиятнинг замонавий шакллари вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омиллар тадқиқ қилинган.

Ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш жараёни одатдагига нисбатан кучли педагогик фаолиятни тақозо этади. Бу жиҳатдан мазкур жараённи уч томондан баҳолаш мумкин: ўсмирларни маданий тараққиёт жараёнларидан хабардор қилиш; ўсмирларни миллий маданий бойликлар билан яқиндан таништириш; ўсмир ёшдаги ўқувчилар эътиборини китоб ўқиш, анъаналарни ўзлаштириш, оилавий қадриятларнинг аҳамиятини баҳолашга йўналтириш. Бунда қиз ва ўғил болаларни ўзларига хос ролларни бажаришга жалб этиш.

“Оммавий маданият” маҳсулотлари ёшлар эътиборини ўзига осонгина жалб этади. Чунки уларни ўзлаштириш интеллектуал зўриқишни талаб қилмайди. “Оммавий маданият”га мойилликнинг дастлабки асослари пайдо бўлишида ўсмирлик даври қулай ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим

жараёнида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”нинг салбий жиҳатларига нисбатан иммунитетни шакллантириш талаб қилинади. Шундай қилиб, “оммавий маданият”га қарши иммунитетнинг шаклланиши шахснинг тарбияланишида, унда жамият талабларига хос хусусиятлар ва фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди (3-расм).



3-расм. Гендер ўз-ўзини англаш тизимида ўсмирларда маданий иммунитетни таркиб топиши

Гендер тушунчаси ўғил ва қиз болаларнинг руҳий ҳамда биологик ўзига хослигини ифодалайди. Гендер концепциясида қиз ва ўғил болаларнинг ўзига хослиги асослаб берилган. Ўғил ва қиз болаларнинг жинсий белгилари ижтимоий ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини ҳам асослаш лозим. Шахснинг гендер хусусиятлари шахслараро ижтимоий муносабатларга қай тарзда таъсир кўрсатишини ҳам аниқлаб олиш талаб этилади (1-жадвалга қаранг).

Гендер ўз-ўзини англаш тизимида муносабатлар гендер мансублик билан боғланади. Бу инсоннинг шахсий хулқ-атвор моделини яратиши билан ҳам боғлиқ. Гендер жиҳатдан ўз-ўзини англаш ижтимоий ўз-ўзини англашнинг ўзига хос кўринишидир. Гендер жиҳатдан ўз-ўзини англаш миллий ўз-ўзини англаш билан боғлиқ.

Гендер жиҳатдан ўз-ўзини англаш яхлит тизимни ташкил этиб, муайян таркибий қисмларига эга. Биринчи навбатда, когнитив, бу шахснинг маскулинлик ва фемининликнинг муайян моделига мувофиқлигини англашида намоён бўлади. Эмоционал – шахснинг мазкур тизимга мос келиши ёки келмаслигини англаши. Иродавий – шахснинг муайян жамиятдаги гендер моделга мувофиқ келиши ёки келмаслигини англашида намоён бўлади. Иккинчидан, гендер мансублик ва динамикликнинг статистик компонентларини фарқлаш.

Ҳар бир синфда турли характердаги қиз ва ўғил болалар таҳсил оладилар. Улар муваффақият қозонишга ишонч ва қатъит билан интиладилар, очик ва

катъий ҳаракатлар амалга оширадидлар, сокин ҳаракатланадилар, оптимист ёки журъатсиз бўладидлар. Улар жазоларга нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўладидлар. Кўрқоқ, серташвиш ва хавотирли, ишончсиз, жиззаки болалар ўзларининг жинсий мансубликлари билан фаркланиб турадилар.

1-жадвал

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда кузатиладиган гендер тавофутлар

Ўғил болалар	Қиз болалар
Тафаккур тарзи	
кўпроқ чап ярим шар ривожланган бўлади; якка тартибда яхшироқ ишлайди; диққатни бир жойга тўплашлари учун узоқ вақт талаб қилинади; ахборотни секин, бироқ изчил ўзлаштиради; воқеа-ходисаларни дастлаб моҳиятини кўради, тезкорлик билан ҳаракатга ўтади	кўпроқ ўнг ярим шар ривожланган бўлади; аралаш гуруҳда яхшироқ ишлайди; ишчан, ўқувли; ҳамма нарсани образли кўради; моҳиятни секинроқ англайди, вақт талаб қилинади
Нутқнинг ривожланганлиги	
ўз ғояларини гапириб бериши кийинроқ кечади, сўз захираси камроқ; нутқнинг сўзлар билан боғланишини таъминлаш, мантиқий фикрлаш, муҳим вазиятларда аниқ сўзларни топиш билан боғлиқ томони яхши ривожланган бўлади	сўз захираси кўпроқ, тезроқ гапирадидлар, ўқиш тезлиги юқори, имло такомиллашган; нутқнинг ҳис-туйғуларни баён этиш билан боғлиқ томони яхши ривожланган
Ҳаракат суръати	
ишга секинроқ киришадидлар, юқори суръат зарур, машғулот ўртаси ва охирида иш қобилияти юқорироқ, бўшашиш учун кўп вақт керак. Ҳеч кимга сир эмаски, ўсмир ёшдагилар учун гавданинг ўсиб бориши асосий аҳамият касб этади. Ўғил болалар спортнинг турли турлари билан шуғулланишни хуш кўрадидлар. Улар учун машғулотлар жараёнида ўз жисмоний кучларини кўпайтириш, эркаклик қиёфасини эгаллашга уриниш муҳим аҳамият касб этади	машғулот давомида ишга тезроқ киришадидлар, юқори суръат ҳалақит беради, юқламани кўтара олмасдан тез чарчайдидлар, тиришқоқ, кунтли. Ўсмир ёшдаги қиз болалар учун бадий гимнастика, рақс билан шуғулланиш мароқли бўлиб, мазкур машғулотларда улар аёллик қиёфасига хос бўлган нозик қадди-қомат, нафис ҳаракатларга эга бўлишни мақсад қилиб кўядидлар. Ўз-ўзини англаш ва ўзликнинг ривожланиши ўсмир ёшдаги қизларнинг етукликка интилишидан далолат беради. Уларда жисмоний жиҳатдан улғайиш белгилари намоён бўлиб, атрофдагиларни эътиборини жалб қилади
Идрок этиш имкониятлари	
такрорлашни ёқтирмайдидлар, жараёндан четланиб қоладидлар, диққат пасайиб кетади; энг аввал маънони англайдидлар, дарров ҳаракатга ўтадидлар; ахборотлар устида қизларга қараганда секинроқ, лекин изчилроқ ишлайдидлар; ахборот умумийдан хусусийга тақдим этилганда, яхшироқ тушунадидлар: аввал натижа, кейин унга қандай эришиш ҳақида ўйлайдидлар; улар ўз фаолиятларига тўғри баҳо берилишини, мақтовларнинг объектив бўлишини хохлайдидлар	кўп такрорлашни ёқтирадидлар, билганларига асосланиб иш кўрадидлар; маънони англаб етишлари учун вақт талаб қилинади; уларда кўрғазмали-образли тафаккур яхши ривожланган бўлади; улар мақтовдан руҳланадидлар ва янада фаоллашадидлар. Қизлар “катталар”да ижобий таассурот ҳосил қилишга интиладидлар, ҳар қандай ҳолатда фаолиятлари ижобий баҳоланишини истайдидлар

Мардлик сифатларига эга бўлган ўғил ва қиз болалар ўзларининг кучли жиҳатлари билан ажралиб турадилар. Улар ютуқларга эришиш йўлида қатъий ҳаракат қилиб, ўзларининг етуқликларини намоён этадилар. Шу билан бир қаторда ўзининг агрессив ҳаракатлари билан лидерликка интиладилар. Улар учун мусобақалашуш руҳи хос бўлиб, ўз тенгдошлари билан авторитар муносабатда бўладилар.

Шахснинг шаклланишида ўсмирлик даври алоҳида аҳамиятга эга. Ўсмирлик даврининг чегарасини белгилашда турли нуқтаи назарлар мавжуддир. У ўсмирнинг ривожланиш даражаси ва онтогенез билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Д.Б.Эльконин, М.Г.Давлетшин, Ш.Дўстмухамедова, М.Мавлонов, С.Тўйчиева, М.Джумабаевалар ўсмирлик ёш даврини қуйидаги босқичларга ажратганлар: илк ўсмирлик даври 10 ёшдан бошланиб, 15 ёшгача давом этади, катта ўсмирлик ёши эса, 16-17 ёшгача тўғри келади. Аксарият психологлар ўз тадқиқотларида ўсмирлик даврининг мураккаб, зиддиятларга бой давр эканлигини таъкидлаганлар. Ўсмирлик даври учун характерли хусусиятлардан бири ўзини катталардек ҳис этишидир. Бу даврда ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини баҳолаш ривожланади. Ўсмир ўзига шахс сифатида қизиқиш билдириб, лаёқатлари ва имкониятларини юқори баҳолайди.

Руҳий-ижтимоий мувофиқликнинг вужудга келиши ўсмирнинг ўз-ўзини англашини ифодалайди. Бу 3 та асосий вазифа билан ажралиб туради: болалиқдан ўтмишга айланиши ва ўз келажагини тасаввур қилиш лойиҳасига эга бўлиш ҳамда ўсмирнинг шахсий ўзлигини англашнинг шаклланишига эришиш; ўзининг ота-онасидан фарқли жиҳатларини англашга интилишнинг таркиб топиши; ўсмир шахсининг ўзлигини англашини таъминлайдиган кадриятлар тизимини амалга ошириш.


Гендер ўз-ўзини англаш – шахснинг интеграл тавсифи бўлиб, ўзида шахсий ўзлиги, “Мен” концепцияси, гендер стереотиплар, гендер установакалар, гендер ҳулқ-атвор, гендер ўз-ўзини англаш ва гендер ролларни мужассамлаштиради. Ўсмирлар учун ўзини эркаклик ва аёллик нуқтаи назаридан баҳолаш эталон ҳисобланади.

Ўсмирларнинг ички туйғулари ўзгариши баробарида уларнинг ижтимоий роллари ҳам кенгайди. Бундай вазиятда “Мен ким?” деган савол кўндаланг бўлиб туради. Ўсмирларнинг ўз-ўзини севишига атрофдагилардан кимдир зарар етказмоқчи бўлса аффеқтив характердаги кескин норозилик кайфияти вужудга келади. Эмоционал қатъийлик ўғил болаларда 11-13 ёшда, қиз болаларда эса, 13-15 ёшда вужудга келади. А.В.Либин, Ю.А.Тюменева, Б.И.Хасан каби мутахассислар ўсмирларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатларида гендер фарқларнинг яққол намоён бўлишини таъкидлаганлар.

Гендер ёндашув асосида ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш уларни муваффақиятли ижтимоийлаштириш, халқнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш учун қулай имконият яратади. Бундай вазиятда ўсмир ёшдаги ўқувчилар ижтимоийлаштириш жараёнининг фаол субъектига айланадилар. Уларда қизларда хотин-қизларга, ўғил болаларда эса эркакларга хос сифатлар шаклланиб, ўз-ўзини англаш кўникмалари

ривожланади. Ахлокий маданият ўзининг гендер хусусиятларига эга. Бунда аёллар учун бажариш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар, кадриятлар билан боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатилади. Бироқ уларнинг айримларини эркеклар бажаришларига йўл қўйилмайди. Эстетик маданият ҳам гендер характерга эга. Чунки аёллар ва эркеклар орасида гўзаллик ўзаро фарқланади. Ҳам ҳаётда ҳам санъатда бу фарқ яққол кўринади.

Гендер маданиятнинг замонавий шакллари вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омиллар микроижтимоий ҳамда макроижтимоий омиллар билан мутаносиб тарзда тавсифланади. Ижтимоий роллар тақсимотининг асосини биологик омиллар ташкил этади. Айнан хулқ-атвордаги фарқлар атроф-муҳитдаги шарт-шароитларни аниқловчи омил ҳисобланади. Бу муайян қоидаларга асосланган хулқ-атвор кўринишлари бўлиб, ўғил ёки қиз болаларга хослиги намоён бўлади (4-расм).



4-расм. Гендер маданиятнинг замонавий шакллари вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омиллар

Ислом дини тамойилларига кўра аёллар ва эркекларга хос бўлган стереотиплар мавжуд. Жинсларга хос хатти-ҳаракатларнинг аксарияти асрлар давомида кадрият даражасига кўтарилиб, бугунги кунга қадар етиб келган. Мазкур кадриятларнинг аксарияти ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатларига сингиб кетган. Бу аёллар ва эркекларнинг кундалик эҳтиёжлари, ҳаётий фаолиятлари, ижтимоий турмуш ва муайян тарихий шароит талабларига кўра эркеклар ва аёлларга хос ролларнинг ўзаро ўрин аллшмашиниши, эркеклик ва аёллик моделларида намоён бўладиган миллий анъаналарда ўз ифодасини топади.

Диссертацияда гендер мансублик – маданиятнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда “оммавий маданият”нинг бир бўлаги сифатида намоён бўлиши ёритилган. Бунда кўзга ташланаётган энг муҳим ҳолат гендер роллар ва гендер қиёфаларнинг аллмашинаётганлигидир. Бундай аллмашиниш, айниқса, ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар қиёфасида яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар онгига “оммавий маданият” жадаллик билан таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, гендер онгнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам биз бугунги Ўзбекистон жамиятида гендер қиёфаларнинг шаклланишида “оммавий маданият”нинг

таъсирини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Шу асосда гендер зиддиятларни бартараф этиш орқали ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгида гендерга хос қарашларни таркиб топтиришнинг педагогик воситалари, усул ва методларини татбиқ этиш мақсадини амалга оширамиз.

Диссертациянинг **“Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик механизмлари**” деб номланган учинчи бобда гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш мазмуни, воситалари, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”дан ҳимояланиш иммунитетини шакллантириш йўллари, гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантириш методлари ва стратегиялари баён этилган.

Ўсмирлар учун “оммавий маданият”дан ҳимояланиш усули ахборотларни саралаб истеъмол қилишни ўз ичига олади. Бундай ёндашув “оммавий маданият”га нисбатан иммунитет ҳосил қилишга кўмаклашади.

Ўсмирларда тарихий-маданий бойликларни тақдим этишда: ўзбекона кадриятлар, аксиологик қарашларни сингдириш; ўзбек тилининг маданий бойликларни сақловчи асосий восита эканлигини улар онгига етказиш; дин, санъат ва фаннинг ўзбек миллий маданияти негизи эканлиги, уларда маданий бойликларнинг кўплаб воситалари мужассамлашганлигини аниқлаш; спортнинг халқ маданиятининг таркибий қисми эканлигини тушунтириш орқали ўсмирларда толерант дунёқарашни шакллантириш; маданий бойликлар орасидан энг самаралиларини танлаш ва улардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш; миллий маданиятга хос бўлган рамзларни танлаш ва уларнинг ўқувчилар хиссий эмоционал онгига таъсир кўрсатиш даражасини аниқлашдан иборат.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ривожланишлари учун қулай ижтимоий педагогик муҳитни яратиш маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва мактаб психологининг асосий вазифаларидан биридир. Тарбия жараёнида ўсмирларнинг маданий, ахлоқий, гендер жихатдан ривожланиши таъминланиб, уларнинг барча имкониятлари жамиятда эзгулик, толерантлик, миллатлараро мулоқот, ўзаро ҳурмат, ишонч, фидойилик, ватанпарварлик, ҳамжихатликни таркиб топтиришга йўналтирилади. Тарбия жараёнида ўсмир ёшдаги ўқувчиларга ўзлаштирган билимлари, маданий-ахлоқий кадриятлар ёрдамида оламни янгича идрок этиш, соғлом маданий дунёқарашга эга бўлиш кўникмалари таркиб топтирилади.

Педагог ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалар билан ишлаш жараёнида уларнинг руҳий имкониятлари, психологик хусусиятлари, атрофдагилар билан ўзаро муносабатлари, оилавий муҳитни ҳисобга олган ҳолда педагогик чоратadbирларни қўллай олиш компетенциясига эга бўлиши лозим. Агар педагоглар ўсмир ёшдаги ўқувчилар билан самарали шахслараро муносабатга кириша олса, уларда маданий иммунитетни осонгина шакллантириш имкониятига эга бўлади. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар билан гендер ёндашув асосида муносабат ўрната олиш, уларнинг жинсга хос хусусиятларини яхши билган ҳолда маданий иммунитетни шакллантириш учун зарур бўлган педагогик вазиятларни яратиш,

усул, метод ва воситаларни танлаш педагог касбий компетенциясининг муҳим таркибий қисмларини ташкил этади.

Диссертацияда педагогик стратегиялар педагогнинг эътиборини тарбиявий мақсадга йўналтириши, педагогнинг касбий фаолияти натижаси сифатида ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, уларга таъсир кўрсатиши, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириши, ўқитувчининг қатъий, барқарор тарзда мақсадни амалга оширишини таъминлаши, воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар, далиллар ва тасодифий ҳодисаларни интерпретациялаш кўникмасида намоён бўлиши аниқланган.

Бунда педагоглар турли ҳикоялар, ривоятлар, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдалана олишлари талаб этилади. Шу билан бир қаторда педагоглар ўсмир ёшдаги ўқувчиларни “оммавий маданият”нинг салбий жиҳатларидан хабардор қилиш, уларда маданий иммунитетни шакллантириш, бунёдкорлик руҳини сингдириш, жамият аъзоларига нисбатан ҳурмат туйғусини таркиб топтириш, маданий меросимизни улуғлаш ва ўрганишга ундаш, шахслараро муносабатларни барқарорлаштириш, ўғил ва қиз болалар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муҳитни таркиб топтириш, ўсмир ёшдаги ўқувчиларни гендер роллардан хабардор қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни режалаштиришлари ва амалга оширишлари назарда тутилади. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш омилларига тарихий маданий миллий мерос асосида тарбиявий таъсир этиш омиллари орқали ўқувчилар ўртасида иншолар танлови, давра суҳбатлари, маънавият соатлари, тарғибот тадбирлари, семинар-тренинглари ўтказиш тавсия этилади.

Синф раҳбари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг синфдан ташқари тадбирлар воситасида ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолияти ушбу йўналишдаги муайян вазифаларни амалга оширишга қаратилади. Ўқувчиларнинг маданий дунёқараши синф раҳбари томонидан тақдим этилган янги билимлар, хулқ-атвор қоидалари, маданий ҳодисалар ҳақидаги қарашлар ёрдамида бойиб боради. Синф раҳбарлари ҳаётий вазиятларни ўқувчиларга аниқлашда реал воқелик билан боғлиқ ҳодисалардан фойдаланишлари лозим.

Дарсдан ташқари педагогик жараёнларда ўқувчиларни танлов имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган дилемма (бири-бирига зид икки ҳолатдан бирини танлаш)ларни қўллаш уларнинг “оммавий маданият” билан миллий маданиятни ўзаро қиёслаш, улардан бирини ўзлаштириш мотивларига эга бўлишларини таъминлайди.

Дилемма методи ёрдамида ўсмир ёшдаги ўқувчилар билан маданий ҳодисалар муҳокама қилинади. “Оммавий маданият”нинг иккиёклама характерини аниқлашга кўмаклашадиган суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ташкил этилади. Ҳар бир дилемма бўйича муҳокама қилиш учун саволлар тўплами ишлаб чиқилади. Масалан, “Ҳаттоки жиноятчини ҳам ҳақорат қилиб бўлмайди, инсоний фазилатларини камситиб бўлмайди. Тўғри, у қилмиши

учун конун олдида жавоб беришга мажбур. Лекин уни ҳақоратлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ” Ушбу фикрга қўшилмасми? каби.


Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда дарсдан ташқари педагогик жараёнлар катта аҳамиятга эга. Масалан, “Биз Ўзбекистон фуқароларимиз” мавзусида ўтказиладиган синф соатлари ташкил этилди. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар билан синф соатларида бугунги куннинг долзарб масалалари, гендер ролларнинг шаклланиши, шахслараро муносабатлар, ижтимоий тармоқлардан олинадиган ахборотларни саралаш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти, “оммавий маданият”нинг салбий ва ижобий жиҳатлари, “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларидан сақланиш, ўқувчиларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларидан огоҳлантириш, ўқувчиларда миллий маданиятимизга ҳос хулқ-атвор меъёрлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш каби долзарб мавзуларда суҳбатлар ташкил этилиши лозим. Синф соатларида амалга ошириладиган суҳбатлар синфдаги барча ўқувчилар ёки хулқ-атворида салбий жиҳатлар кузатилаётган ўқувчилар билан индивидуал тарзда ўтказилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни кенгайтириш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни инобатга олиб гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели такомиллаштирилди (5-расмга қаранг). Ушбу модел ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда миллий маданият имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилганлиги, маданий иммунитетнинг мақсадли функциялари, яъни маданий-ахлоқий тарбияни асровчи, ривожлантирувчи, тузатувчи, узвийликни таъминлаш билан мавжуд моделлардан фарқланади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик вазиятларда муайян стратегиялардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Ўқувчиларнинг маданий иммунитетини шакллантириш мақсадида ҳаётий вазиятларни имитациялаш стратегиясидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.


Мазкур стратегиялар ёрдамида, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг маданий ҳодисаларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда мустақил, танқидий фикрлаш кўникмалари шаклланган бўлиши лозим. Улар маданий ҳодисаларни таҳлил қилиб, ижобий ва салбий жиҳатларни фарқлаш, уларга ўз муносабатларини билдириш, ижобий жиҳатларини ўзларининг ижтимоий тажрибаларига сингдириш каби ҳаракат усулларини амалга оширадилар (6-расмга қаранг).

Маданий ҳодисаларни билиш ва уларнинг моҳиятини тушуниш ўсмир ёшдаги ўқувчиларга “оммавий маданият”нинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўзаро фарқлаш имконини берди. Бунинг натижасида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда оммавий маданиятнинг икки ёқлама характери ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши ҳамда “оммавий маданият”нинг жамият ҳаётига кўрсатадиган салбий таъсири эсселар, иншоларида ўз аксини топди.



5-расм. Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш модели

Эсселар ва иншолар куйидаги эркин мавзуларда ёзилди: “оммавий маданият” нима? Унинг салбий ва ижобий жиҳатлари нималарда кўринади? Сиз қайси маданиятга мансубсиз? Оммавий маданиятнинг қайси жиҳатларини маъқуллайсиз? “Оммавий маданиятнинг ўсмирлар хулқ-атворидаги инъикоси”, Рекламага муносабатингиз қандай?, Қайси фильмларга қизиқасиз? қабилар. Натижада ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий ходисаларни билишга бўлган кизиқишлар, уларни фарқлаш кўникмаси қай даражада шаклланганини аниқлашга муваффақ бўлдик.



6-расм. Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш механизмлари

Ишнинг тўртинчи боби “Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш стратегияларининг самарадорлиги” деб номланган. Унда ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили ёритилган.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган педагогик стратегияларни ўзига хос тарзда тажриба-синовдан ўтказдик. Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳри, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг 15 та умумий ўрта таълим мактабларида уч босқичда ташкил этилди. Тажриба-синов жараёнида 1267 нафар ўқувчилар (5-9 синф), шундан тажриба синфида 621 нафар ўқувчи, назорат синфида 646 нафар ўқувчилар иштирок этдилар. Шунингдек, тажриба бошида 84 нафар ва якунида ҳам 84 нафар синф раҳбарлари ва мактаб психологлари респондентлар сифатида иштирок этдилар.

Тажриба-синовнинг дастлабки таъкидловчи босқичи (2019-2020 йиллар)да ўсмир ёшдаги ўқувчиларга анкета саволлари билан мурожаат қилиниб, уларнинг “оммавий маданият”га оид фикрлари, маданий дунёқарашлари, маданий онг даражалари, идеаллари аниқланди. Синф раҳбарлари ва мактаб психологларининг ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш соҳасидаги фаолиятлари, ишчи дастурлари, режалар, тўғарак дастурлари таҳлил қилинди.

Тажриба-синовнинг иккинчи шакллантирувчи босқичи (2019-2020)да ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий дунёқараш, гендер ролларни шакллантириш, уларда “оммавий маданият”нинг салбий ва ижобий оқибатларини фарқлаш тажрибасини ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув материаллари, семинарлар, синф соатлари, тренинглар ва стратегияларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи ишланмалар, савол-топшириқлар тайёрланиб, тажриба-синовдан ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари давомида ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик вазиятлар яратилди ҳамда синф раҳбарлари учун махсус тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда уларнинг ўз-ўзлари ва синфдошларининг хулқ-атворларини таҳлил қилиш методидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда, “Идеал” стратегияси, “Яхши – ёмон” стратегияси, “Тушунчалар асоциацияси” стратегияси, “Позиция – асос – мисол – натижа” стратегияси каби методикалари воситасида ўсмирларнинг ўзларига берилган баҳолари билан атрофдагиларнинг баҳоси орасида фарқлар ва мутаносибликларнинг улар томонидан тўғри идрок этилишида ўз-ўзини ва синфдошларининг фаолиятларини таҳлил қилдилар.

Тажриба-синов ишларининг учинчи якунловчи босқичида шакллантирувчи босқич натижаларига ишлов берилиб, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонлар ва индикатор кўрсаткичлар белгиланиб, уларга статистик ишлов берилди.

Маданиятга оид билимларни идрок этиш натижасида ўсмир ёшдаги ўқувчилар ижтимоий воқеликка нисбатан объектив муносабат билдириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада уларда маданий хулқ-атвор стереотиплари ва “оммавий маданият”га нисбатан иммунитет таркиб топди. Ўз хулқ-атворларини таҳлил қилиб, тенгдошлари ва синфдошларига ҳам маданий таъсир кўрсата бошладилар.

Синф раҳбарлари ва мактаб психологларининг ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш самарадорлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги мезон кўрсаткичлари ишлаб чиқилди: синф жамоаси орасида шахслараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг педагогик чоралари ва методларини билишлари ва қўллай олишлари; “оммавий маданият”, унинг иккиёклама характери ҳақида аниқ билимлар ва уни ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгига етказиш механизмларини қўллай олишлари; ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бирида тарихий-маданий, гендер роллар, жинсга хос имидж ва муомала маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилган бўлишлари; ўсмирларда маданий иммунитетни ҳосил қилиш стратегияларини мақсадга мувофиқ тарзда

кўллаш олишлари; ўзлари кўллаган ҳар бир стратегия ёки технологиянинг мазмун моҳияти ва кўлланиш механизмларини билишлари; ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда мактаб психологи, ота-оналар билан ҳамкорлик қила олишлари; гендер ёндашув асосида ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик воситаларни танлай ва тизимлаштира олишлари; ўсмирларда маданий иммунитетни шакллантиришга хизмат қиладиган маданий-маърифий тадбирларни уюштира олишлари; ўсмирларда маданий иммунитет ҳамда жинсга хос сифатларнинг шаклланганлик даражасини диагностика қила олишлари, бўшлиқларни аниқлашлари ва коррекциялаш механизмларини кўллаш олишлари.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда гендер ёндашув асосида “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги мезон кўрсаткичларидан фойдаланилди: “оммавий маданият” ҳақидаги билим ва тасаввурга эгалликлари; “оммавий маданият”нинг ижобий ва салбий жиҳатларини билишлари; миллий маданий кадриятлар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; оилавий кадриятлар ва урф-одатларни билишлари; маданий, тарихий кадриятларнинг келиб чиқишини билишлари; қиз ва ўғил болаларга хос ролларни билишлари ва ўзаро фарқлай олишлари; ижтимоий тармоқлардаги ахборотларни таҳлил қилиш ва баҳолай олишлари; мода билан миллийлик орасидаги алоқадорликни билишлари; кийиниш маданияти, мулоқот одоби ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; ўз бурчлари ва масъулиятини билишлари; жамоат жойларида юриш-туриш, ўзини муносиб тутиш қоидаларини билишлари; қарама-қарши жинс ёки бошқа дин ёки маданият вакилларига толерант муносабатда бўла олишлари; зиддиятларни бартараф этишга нисбатан рационал муносабатда бўлишлари; шахслараро муносабат меъёрларини билишлари ва ўз хулқ-атворлари, қизиқишлари соҳасини муносиб баҳолай олишлари.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда синф раҳбарлари ва мактаб психологларининг ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича ўқитувчиларнинг тажриба боши ва якунидаги ҳамда ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъудентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик.

2-жадвал


Синф раҳбарлари ва мактаб психологларининг ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқитувчилар сони	Ўзлаштиришдаражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба якунида	84	45	31	8
Тажриба бошида	84	29	30	25

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфи	621	317	248	56
Назорат синфи	646	187	272	187

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



7- расм. Педагогларда

8-расм. Ўқувчиларда

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стюдентнинг танланма мезони, Стюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс эттирилди:

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	Δ_x	Δ_y
2,45	2,04	0,4275	0,6384	3	4	3,73	168,32	0,14	0,16
2,42	2,0	0,4236	0,58	1	2	10,5	1254,9	0,05	0,06

Жадвал натижаларидан ўқитувчиларда тажриба якунидаги ва бошидаги ўртача ўзлаштириш 13,7%га юқори бўлса, ўқувчиларда тажриба ва назорат синфларидаги ўртача ўзлаштириш 14% га ўсганлиги маълум бўлди.

Демак, синф раҳбарлари ва мактаб психологларининг ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

Ўсмирларда маданий иммунитетни таркиб топтириш масалаларига қаратилган “Гендер ёндашув асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий

маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг педагогик стратегиялари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаси куйидаги хулосаларни асослашга хизмат қилди:

1. Ўзбек халқи тарихий маданий маънавий ҳаётида гендер ёндашув жинсга кўра ролларнинг фаркланиши билан боғлиқ тарзда шахс ижтимоийлашувининг таъминланиши ва турмуш тарзининг ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилган. Ўзбек халқининг маданий дунёқараши ривожланиши аёлларнинг нозик хилқат, она ва тарбиячи, эркакларнинг жасорат, мардлик тимсоли, Ватан ҳимоячиси ва оиланинг моддий фаровонлигини таъминловчи шахс сифатида шаклланганлигини кўрсатди ҳамда гендер маданиятнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилиши аниқланган.

2. Ўзбек халқининг кўп асрлик маданий-тарихий тараққиётида ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришда гендер ёндашувга устиворлик бериш натижасида ўзига хос маданий-ахлоқий меъёрлар тизими шаклланиб, ёш авлоднинг дунёқарашига муайян тарзда ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

3. Глобаллашув дунё бўйлаб турли маданиятларга хос белгиларнинг қоришиғисифатида гибрид маданият вужудга келди. Бу, ўз навбатида, мазкур маданиятнинг ёшлар, айниқса, ўсмир ёшдаги ўқувчилар онгини забт этиб, улар хулқ-атвори ва маданий дунёқарашига иккиёқлама (ижобий ва салбий) таъсир кўрсатиши далилланган.

4. “Оммавий маданият”нинг ўсмирларга салбий таъсир кўрсатиши натижасида қизларда дағаллик, урф-одатлар ва анъаналарга беписандлик, мода ва дабдабозликка ўчлик, европача ҳаёт тарзига интилиш, оилавий қадриятларни менсимаслик, “ўзим ҳақман” қабилда ҳаракатланиш, меҳнатдан қочиш, енгил ҳаёт кечиришга мойиллик, шоуларга ўчлик, шоу-бизнес вакилларига тақлид қилиш каби сифатлар шаклланаётган бўлса, ўғил болаларда тажовузкорлик, журъатсизлик, мешчанларча ҳаёт кечиришга мойиллик, меҳнат қилмасдан бойиш йўлларини излаш, шоҳона ҳаётга ўчлик, ўқишни хоҳламаслик, қатъиятсизлик, билимнинг моҳиятини англамаслик, ижтимоий тармоқларга тобелик, мода кетидан кувиш, ўйин-кулгу, енгил ҳаёт кечиришга мойиллик, қадриятларга беписандлик, танбаллик, қўрқоқлик сифатларининг шаклланишига асос бўлиши аниқланган.

5. Назарий ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, глобаллашув туфайли вужудга келган маданиятлар қоришиғи турли миллатларга хос бўлган маданий қарашлар, қадриятлар, маданий бойликлар, анъаналар ва урф-одатлар, гендер маданий ролларни инкор қилиб, ўзининг асл тарихий илдизи мавжуд бўлмаган “оммавий маданият”, яъни оломон маданиятини эътироф этиб, ёшлар, айниқса, ўсмирлар онгига сингдиришга қаратилган тарғибот воситаларини қўллашга ҳаракат қилаётганлиги аниқ намоён бўлмоқда.

6. “Оммавий маданият” ўзининг таъсирчан воситаларига эга бўлиб, улар глобал интернет тармоқларидаги турли-туман ахборотлар, тажовузкор ўйинлар, жангари фильмлар, шахватпарастлик ва шоҳона ҳаётни тарғиб қилувчи паст савияли бадий асарлар, ҳеч қандай бадий эстетик мазмунга эга бўлмаган кўшиқлар, клиплар, рекламалар, телешоулар, порнографик суратлардан иборат.

7. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришнинг таъсирчан чоралари ва воситалари, усуллари ва стратегияларини аниқлаш ҳамда тарбиявий жараёнларга тадбиқ этиш орқали ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болаларда жинсга хос роллар, маданий дунёқараш ва маданий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик механизмларини кенгайтириш имкониятлари вужудга келади.

8. Кузатиш ва таҳлилларимизнинг натижалари шуни кўрсатдики, умумий ўрта таълим муассасаларида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган педагогик чора-тадбирлар етарлича йўлга қўйилмаган, синф соатлари, маънавий-маърифий тадбирлар тизимли тарзда ташкил этилмаганлигига ишонч ҳосил қилдик.

9. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда гендер ёндашув асосида “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда бир қатор стратегиялар, ўйин, келишув, ҳамкорлик, четга чиқиш, ён бериш каби стратегиялардан фойдаланиш педагогик жараён муваффақиятини таъминлаб, ўсмирларда гендерга хос роллар моҳиятини англаш, шахслараро муносабатларни барқарорлаштириш, маданий мулоқот кўникмаларини эгаллаш, миллий оилавий кадриятларга ҳурмат билан қараш, тарихий маданий кадриятларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ахборотларни саралаб қўллаш, осойишталикни сақлаш, зиддиятли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш, ёт ғояларга мурасасиз бўлиш каби маданий ахлоқий сифатларнинг шаклланиши ва барқарор намоён бўлишига хизмат қилади.

10. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар синф раҳбари, мактаб психологи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш режалари, ишчи дастурлари, тўғарак дастурлари ва синфдан ташқари тадбирлар мазмунини гендер ёндашув асосида ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга хизмат қиладиган мавзулар, ишланмалар, сценарийлар, стратегиялар ва машғулот лойиҳалари билан бойитишга ҳамда амалга ошириладиган педагогик чора-тадбирларни тизимлаштиришга хизмат қилганлиги тажриба-синов ишлари якунида яққол намоён бўлди.

11. Амалга оширилган тажриба-синов натижалари ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетнинг ўзига хос тарзда барқарорлашганлиги, миллий тарихий кадриятларнинг улар кундалик фаолиятида намоён бўлиши, уларда мураса қила олиш, толерантлик, миллий маданий бойликларга нисбатан кадриятли муносабатда бўлиш, глобал тармоқлардан олинган ахборотларни саралаш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш кўникмаларининг муайян даражада ривожланганлиги аниқланди. Бу эса, тадқиқот концепцияси тўғрилигини статистик усуллар ёрдамида аниқлаш методикаси самарадорлигини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот жараёнида қатор **тавсиялар** ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилар:

1. Синф раҳбарлари, мактаб психологининг ўсмирларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган ота-оналар билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш.

2. Тарих, она тили, адабиёт, тарбия тўғараклари дастури асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг маданий-тарихий кадриятларга оид билимларини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган ўқув материалларининг интегратив мажмуини яратиш.

3. “Оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан ўсмирларни огоҳ қилишга хизмат қиладиган видеороликлар тайёрлаш.

4. Синф раҳбари учун малака ошириш жараёнининг “Синф раҳбари ўқув модули ҳамда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда тарбиявий ишлар методикаси” модули учун ўсмир ёшдаги ўқувчиларда маданий иммунитетни шакллантириш ресурсларини яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

ТОЖИБОЕВА ХИЛОЛАХОН МАХМУТОВНА

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СТРАТЕГИИ ФОРМИРОВАНИЯ У УЧАЩИХСЯ
ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА ИММУНИТЕТА ПРОТИВ
«МАССОВОЙ КУЛЬТУРЫ» НА ОСНОВЕ ГЕНДЕРНОГО ПОДХОДА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.DSc/Ped244.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.


Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научный советник:	Джурасв Рисбай Хайдарович доктор педагогических наук, академик
Официальные оппоненты:	Хакимова Муҳаббат Файлиевна, доктор педагогических наук, профессор Мирсолиева Муҳаббат Тўхташнўвна доктор педагогических наук, профессор Маммуров Баходир Бахшўллоевич доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится « 2 » август 2022 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020. Ped. 20.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27). Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengashi@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 1485). (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27. Тел.: (+99871) 254-92-02; факс: (+99871) 215-54-20.

Автореферат диссертации разослан « 19 » июля 2022 года
(протокол рассылки № 34 от 19 июля 2022 года).



Б.С.Абдуллаева
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., проф.

Р.Г.Исинов
Член секретариата Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доц.

Н.А.Муслимов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире приобретает особую важность формирование культурного иммунитета у подростков на основе гендерного подхода, предупреждение преступности, суицида и отклонения от социальных норм, сочетающее потребность в национальных и духовных ценностях, внедрение креативных моделей, обеспечивающих успешную социализацию подростков. В Декларации развития до 2030 года, принятой на Всемирном форуме по образованию в городе Инчоне Южной Кореи, подчёркивается, что необходимо «ускорить развитие способности у учащихся подросткового возраста дифференцировать свои гендерные роли и овладеть гендерными ролями, сформировать культурный иммунитет»¹, на этой основе проводится системная работа по использованию определенных стратегий в педагогических ситуациях, способствующих формированию у учащихся подросткового возраста иммунитета против «массовой культуры», имитации жизненных ситуаций с целью формирования культурного иммунитета у учащихся, развития интеллектуальных способностей, обеспечивающих их гендерную социализацию.

В образовательных и научных учреждениях мира проводятся исследования по формированию у подростков культурного иммунитета и позитивной траектории, на основе гендерного подхода системно организуются мероприятия по формированию у учащихся подросткового возраста иммунитета против «массовой культуры», совершенствования механизмов, связанных с формированием культурного иммунитета у подростков в сотрудничестве с психологами и родителями. При этом особое внимание уделяется исследованиям по воспитанию личности учащихся подросткового возраста, формированию у них культурного иммунитета на основе индивидуального и дифференцированного подходов, реформированию классного и внеклассного педагогического процессов, совершенствованию работы педагогов в этой области.

В нашей республике в последние годы возникла необходимость эффективного использования педагогического наследия, созданного нашими предками, в формировании культурного иммунитета у учащихся подросткового возраста на основе гендерного подхода в общеобразовательных школах, создании нормативно-правовых основ для интеллектуального, духовно-нравственного развития личности. Определены приоритетные задачи по «...воспитанию молодёжи физически здоровыми, духовно и интеллектуально развитыми, самостоятельными мыслящими, сильными духом, верными Отечеству...»². В результате в стране будут созданы широкие возможности для выработки у учащихся подросткового возраста иммунитета против «массовой культуры» на основе гендерного подхода, для совершенствования социально-

¹ https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233137_rus

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққийёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 70-71.

педагогических механизмов на основе диагностики и определения педагогических стратегий.

Данное исследование в определенной степени послужит выполнению поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № ПФ-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, № ПП-5712 «О Концепции развития системы народного образования до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3907 «О мерах по воспитанию духовно-нравственной и физически развитой молодежи, по поднятию системы образования на качественно новый уровень» от 14 августа 2018 года, № ПП-4038 «Об утверждении Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» от 28 ноября 2018 года и в других нормативно-правовых актах в данной области.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий: ИТД-I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей при социальном, правовом, экономическом, духовно-нравственном и культурном развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации¹. Исследования формирования культурного иммунитета у подростков на основе гендерного подхода проводятся ведущими мировыми исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, в том числе Princeton university (США), Association for Educational Communications and Technology – AECT (США), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn (Германия), CENTRES OF GENDER EXCELLENC (Швейцария); Seoul National University, Puchong University, Yonsei University, Sungkyunkwan University, Pohang University of Science and Technology, Pusan National University, Chonbuk National University (Южная Корея), Педагогический университет Мияги (Япония), Академия образования (Россия).

Получены следующие научные результаты по «массовой культуре» и выявлению ее действенных механизмов: разработана педагогическая система совершенствования факторов компетентности для оптимизации педагогико-психологических тренингов по применению духовно-нравственных знаний в разных воспитательных ситуациях (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); на основе определения дидактических внутренних и внешних ресурсов создано объективное представление у личности о «массовой культуре» (Belfield pedagogical university); разработано содержание педагогического образования на основе стратегического проектирования социально-эмоциональной культуры у

¹ Данная часть взята со следующих источников: <https://www.princeton.edu/academics/areas-of-study/humanities>; https://aect.org/educational_media_and_technolo.php; <https://www.bimm.edu.uz/>; <https://www.mastersportal.com/studies/226751/gender-studies.html> и др.

учащейся молодёжи (Pohang University of Science and Technology – Жанубий Корея); разработаны проектно-конструкторские технологии формирования и развития навыков борьбы с «массовой культурой» (Chonbuk National University – Южная Корея); определено влияние «массовой культуры» на формирование духовности личности на основе диагностического мониторинга нейролингвистического программирования (Педагогический университет Мияги – Япония); разработаны механизмы влияния «массовой культуры» на идеологию и экономику (Академия образования России).

В результате попыток интерпретации возникновения и развития «массовой культуры» как культурного феномена в ведущих высших учебных заведениях мира ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям: диагностика и коррекция социально-педагогических механизмов «массовой культуры» в системе образования, совершенствование педагогических механизмов на основе диагностики и коррекции; борьба с негативным влиянием «массовой культуры»; определение механизмов влияния «массовой культуры» на идеологию и экономику; управления сознанием личности «массовой культуры», моделирование процесса как новой системы манипулирования интересами и потребностями личности и другие.

